O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2002 YIL 21 FEVRAL ◆ PAYSHANBA ◆ №23 (26.882)

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, Кенгаш раиси Р.Азимов бошқарди.

Мажлисда Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 февралдаги 2001 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари, ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ва 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисидаги «Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш — бош йўлимиз» деб аталган нутқидан келиб чиқадиган кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга доир вазифалар муҳокама этилди.

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС РИВОЖИГА ЭЪТИБОР

Таъкидландики, эркинлаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим масаласи иқтисодиётнинг хусусий тармоғини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳамда анъанавий халқ ҳунармандчилигини замонавий технологиялар асосида ривожлантиришдан иборат. 2002 йилда бу масалани ҳал этишга асосий эътибор қаратилиши лозим.

Шу муносабат билан келгуси йилларда хусусий секторни тезкор ривожлантиришнинг асосий йўналишларига оид таклифлар муҳокама этилди. Уларда қуйидагилар кўзда тутилган:

— мамлакатда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий пойдеворини кенгайтириш борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш ва хусусий тадбиркорлар ҳуқуқларининг ишончли ҳимояланишини таъминлаш;

— молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини соддалаштириш ва хусусий секторни кредитлаш кўламини кенгайтириш;

— моддий-техника ва хомашё ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, мамлакатимизда хусусий тармоқ учун технологик ускуналарни ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

— хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортга йўналтирилган маҳсулотларини ташқи бозорларда сотишга кўмаклашиш;

— хусусий тадбиркорларга рўйхатга олинганидан кейин фаолият юрита бошлаши учун лицензия ва рухсатномалар бериш жараёнини соддалаштириш;

— хусусий тадбиркорлик учун кадрларни бозор тамойиллари ва кўникмаларига ўқитишни ташкил этиш.

Юқорида кўрсатилган йўналишлар бўйича аниқ таклифлар ва уларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳлар тузилди. Алоҳида таъкидландики, бу ишни халқаро тажрибани инобатга олиб, хусусий тадбиркорлар, малакали мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларини жалб этган ҳолда амалга ошириш керак.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида «2001 йилда хусусий ва кичик бизнес, эркин тадбиркорлик учун энг яхши ҳуқуқий ва инвестиция муҳитини таъминлаган вилоят» номи учун ўтказилган республика танловининг натижалари муҳокама этилди.

Танлов ташкилий қўмитасининг 17 та мезон бўйича кўрсаткичлар таҳлили натижасида биринчи ўринни — Андижон вилоятига, иккинчи ўринни — Хоразм вилоятига ва учинчи ўринни — Фарғона вилоятига бериш ҳақидаги таклифи маъқулланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

■ (ЎзА)

ЯПОН ЎҚУВЧИЛАРИ ЎЗБЕКИСТОННИ ЎРГАНИШМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонасида Токиодаги 6-сонли Чофу мактаби билан ҳамкорликда «Буюк ипак йўли маркази — Ўзбекистон» деб номланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда япониялик ўқувчилар Ўзбекистон ҳақида ўзлари ёзган ҳикоялари ва бошқа турли кичик жанрлардаги машқлари ҳамда сеҳқуёш диёримиз манзаралари тасвирланган расмлари билан иштирок этдилар. Бундан ташқари Чофу мактаби ўқувчилари давлатимиз байроғи ва гербини, шунингдек, ўзбек халқининг ўзига хос жиҳатларини ифодаловчи бошқа миллий рамзлари моҳирона тасвирланган плакатларини намойиш этишди. Улар республикамиз ҳақида ҳикоя қилувчи турли китобларни мустақил, ўзлаштирган билимларини ўртоқлашдилар.

Тақдимот маросимида мамлакатимизнинг бой тарихи, унинг Буюк ипак йўлида тутган марказий ўрни ҳамда бугунги кунги ютуқлари ҳақида атрофлича сўз борди. Токиолик ўқувчилар ўзбек халқ ҳунармандчилиги, зардўзлик ва ўймакорлик санъати асарлари, миллий мусиқа асбоблари билан яқиндан танишдилар. Миллий мумтоз мусиқалардан намуналар тинглаб, мамлакатимиз ҳақидаги илмий-оммабоп фильмларни томоша қилишди.

Япониялик ўқувчиларнинг жонажон Ватанимиз тарихи ва халқимиз маданиятига бўлган бундай қизиқишлари келажакда ўз мевасини беришига шубҳа йўқ.

■ «Жаҳон» АА.

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

Америка ва Жанубий Корея президентлари Жорж Буш ва Ким Дэ Чжун Шимолий Корея ҳукуматини оммавий қирғин қуроллари масаласи бўйича музокара ўтказишга чақирди. Биз ушбу масала юзасидан КХДР билан тўғридан-тўғри музокара ўтказишга тайёрмиз, деди президентлар Сеулда ўтган матбуот анжуманида.

❑❑❑❑❑❑❑❑❑❑❑

Яқинда Россиянинг Псков вилоятида «Су-24» бом бардимончи самолёти йўқолган эди. Уни қидириш ишлари ҳамон давом этмоқда. Россия ҳарбий-ҳаво кучлари матбуот хизмати бошлиғи Александр Дробишевскийнинг маълум қилишича, қидирув ишларига юздан ортиқ ҳарбий жалб қилинган.

❑❑❑❑❑❑❑❑❑❑❑

Шри-Ланка пойтахтида Интерполнинг Осиё анжумани бошланди. Унда Осиё, Америка ва Европадаги қирққа яқин давлатдан вакиллар иштирок этмоқда. Тадбир қатнашчилари бир неча кун давомида уюшган жиноятчилик, халқаро террорчилик ва коррупцияга қарши биргаликда курашиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилмоқда.

❑❑❑❑❑❑❑❑❑❑❑

Мисрда Қоҳирадан Луқсорга қатновчи йўловчи поездда ёнғин содир бўлди. Хабарларга кўра, эллик киши ҳалок бўлган ва камида юз киши жароҳатланган. Ёнғин бошлангач, поезд дарҳол тўхтай олмаган. Шу боис йўловчилар жон сақлаш мақсадида ташқарига сакраган ва кўпчилиги ҳалок бўлган.

РАҚАМЛАР СЎЗЛАЙДИ

2001 йил мамлакатимизда жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари 103,1 фоизни ташкил этди, аҳолининг реал даромадлари эса 16,9 фоизга ортди.

ОБ-ҲАВО

ЯХШИ КЕЛСА ҲУТ...



■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Ўтган шанба куни мамлакатимизда чинакам баҳор нафаси сезилди: ҳаво ҳарорати Тошкентда 18 даражагача кўтарилди. Лекин қиш жиловини осонликча берадиганга ўхшамаяпти. Сешанбада қиш қишлигини яна бир кўрсатиб қўйди. Шу кунги ҳақиқий қорбўрон бунинг яққол далилидир.

Мамлакатимизнинг катта қисмида, хусусан, Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида замин 15-20 см. қалинликдаги қор кўрпаси билан қопланди.

Бундан деҳқону ғаллакорларимиз ғоят севиндилар. Чунки ҳозир ёққан қору ёмғир ёзда экинлар учун оби ҳаётга айланади, ҳосил тақдири, хирмон баракаси шунга боғлиқ. Чўпон-чўлиқларнинг ҳам ўз фалсафаси бор: «Яхши келса ҳут — қозон-қозон сут», дейдилар ва ишларини шунга мослаб режалаштирадилар.

Хўш, шу маънода, эндиги об-ҳаво қандай бўлади? Март ойи ҳам яқинлашиб қолди, бирор кутилмаган ҳолат рўй бермасмикин? Шу саволлар билан «Бошгидромет» етакчи синоптиги Ирина Зайцевага мурожаат қилдик.

— Беқарор, дам-бадам ўзгариб турадиган нарсаларни бежиз об-ҳавога қиёслашмайди. Кулиб, чарақлаб турган ҳаво эртасига тунд, қовоғи уюлган қиёфага кириб қолиши мумкин, — дея гап бошлади суҳбатдошим. — Шу боис март ойининг об-ҳавоси беқарорлиги, ўзгарувчанлиги билан февралдан қолишмайди. Айниқса, дастлабки икки ҳафтада ёмғир ҳам, қор ҳам бўлиши, ҳаво совиб кетиши ҳам мумкин. Биз, буни илгари ҳам таъкидлаган эдим, фалон кун, фалон соатда қор ёки ёмғир ёғади, деб анча олдиндан айта олмаймиз. Лекин бизнинг прогнозларга кўра, бу йилги мартда ўртача ойлик нормадан кўпроқ ёғингарчилик бўлиши кутилмоқда. Айтганча, февралда ҳам шундай манзара кузатилди. Масалан, Тошкентда ўртача ойлик норма 52 мм. ўрнига 83 мм. ёғингарчилик бўлди. Республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтган йилнинг октябрь ойидан шу йилнинг 31 январигача бўлиб ўтган ёғингарчилик миқдори ўртача кўп йиллик нормадагидан зиёдлиги кузатилди.

— Демак, мамлакатимизда бу йил сув тақчиллиги юз бермайди, деб умид билдирсак бўладими?

— Афсуски, бундай дейишга ҳали эрта. Чунки далаларда намнинг кўпроқ тўпланиши бошқа омилларга, хусусан, ёғингарчиликларнинг миқдори ва қайси пайтда содир бўлишига ҳам боғлиқ.

— Ҳа, Ўрта Осиёнинг тоғли ҳудудларида ўртача кўп йиллик миқдордан анча ортиқ ёғингарчилик бўлди. Қор тўпланадиган, яъни сув берадиган ҳудудларнинг аксарият қисми мамлакатимиздан ташқарида жойлашганини ҳисобга олсак, бу биз учун ниҳоятда муҳим, — деб суҳбатимизга қўшилди гидропрогнозлар бўлимининг мудири Людмила Василина. — Аммо бундай ижобий вазият фақат Панж ва Қашқадарё хавзаларигагина тегишли. Бошқа ҳудудларда ёғин миқдори ўтган йилдагига яқин, ҳатто баъзи жойларда камроқ ҳамдир.

Амударё ҳавзасида сув оқими кўп йиллик даражанинг 90 фоизи, Сирдарёда 75-95 фоизини ташкил этади. Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарёда эса бу йил сув оқими 45-78 фоиз атрофида, бошқача айтганда, ўтган йиллардагидай бўлиши кутилмоқда.

— Сўзларингизга қараганда, аҳвол ташвишланарли...

— Дарвоқе, буни башорат деб қабул қилманг. Бу дарёларимиздаги сув оқимини баҳоловчи дастлабки мулоҳазалар, холос. Апрелнинг ўрталарида бу борада муфассал маълумотлар тайёрланади.

■ **Суҳбатдош: Бобо САРОИЙ**

ЕР — БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

ХЎЖАСИЗЛИК, ТАЛОН-ТОРОЖЛИК ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

ЁКИ БИЗНИ БОҚАДИГАН, РИЗҚ-РЎЗИМИЗ МАНБАИ БЎЛГАН ЕРГА НИСБАТАН НОИНСОФЛАРЧА МУНОСАБАТ ҲАҚИДА

«Она Ватан», «она Ер» сўзлари нақадар ўхшаш, бири биридан азиз ва мўътабардир.

Бу муборак сўзлар жарангдор эшитилгани учунгина эмас, унинг кишилик жамиятида тутган ўрни беқиёслиги, тирик мавжудот ҳаёти учун бетакрор макон эканлиги туфайли ҳам ниҳоятда қадрлидир.

Ер инсон ҳаёти кечадиган макон. У инсонни боқади, унга беқиёс ноз-неъматлар инъом этади. Шу боисдан одамзот азалдан унга сиғинади, сажда қилади.

Одам боласи ерни эъзозлашни биринчи галдаги вазифа, деб билади, унинг муқаддаслигига, илоҳийлигига тан беради. Негаки, кексалар айтганидек, инсон шу тупроқдан яралиб, яна сўнгги манзили ҳам ана шу она замин эканлигида оламшумул маъно бор.

Демак, бизни она каби ўз бағрида кўтариб турган ана шу ерга ҳурмат, эътиқод билан муносабатда бўлишимиз керак эмасми?!

Ер — тириклик манбаи, уни алдаб бўлмайди. Бойиш йўлида ерни сотиб бўлмайди, демак, ерни талон-торож қилишга журъат этиш ҳам гуноҳдир. Аксинча, уни парвариш қилиш, ерни яшнатиш зарур, ундан мўл-кўл ҳосил олишга интилмоқ керак!

Қариялар беҳудага ернинг уволи ёмон, дейишмайди. Аждодларимиз, ота-боболаримизни ҳам биз бугун умргузаронлик қилаётган шу ер боқиб келган. Агар ердан тўғри, самарали фойдаланилса, унга катта эҳтиром кўрсатилса, она замин инсондан ўз саховатини аямайди.

Ер инсоннинг бебаҳо бойлиги.

Қишлоқ хўжалиги, жумладан, Ер тўғрисида қонунлар, қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Афсуски, айрим жойларда ерга нисбатан хўжасизлик, талон-торожлик, боқибеғамлик иллатлари ҳукм сурмоқда. Натижада, ер ҳақидаги ҳисоботларга қўшиб ёзиш, уни талон-торож қилиш, ердан олинган ҳосилни ўз чўнтаги учун пуллаш, ерга солинадиган ўғитни ўзгаларга ноқонуний сотиб юбориш каби номаъқул иллатлар «болалаб» кетаяпти.

Ўтган йили Қизириқ туманида 13256 гектар майдонга чигит экилганлиги ҳисоботларда кўрсатилган. Лекин текширишда туман статистика бўлими ҳисоботида кўрсатилганидан 21 гектар майдонга чигит кам экилганлиги аён бўлди. Шу тумандаги «Бўстон« фермер хўжаликлари уюшмасида эса аҳвол ундан ҳам баттар, яъни ҳисоботларда 735.5 гектар ерга чигит экилгани кўрсатилгани ҳолда амалда 123 гектар майдонга уруғ экилмасдан қолиб кетганлиги аниқланди. Бундан ташқари, тумандаги бир нечта фермер хўжаликларида ҳам чигит белгиланганидан жуда кам ерга экилганлигини қандай баҳолаш керак? Яна бир камчилик тўғрисида тўхталмасдан илож йўқ. Бу пахта экилиши керак бўлган ерга полиз уруғи қадалганлиги, фуқароларга ноқонуний томорқа берилганлиги оқибатида ер талон-торож қилинганлигидир.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Хўжалик раҳбарлари ва фермер хўжаликлари бошлиқларининг айби билан пахта экилиши лозим бўлган 7.25 гектар ерга полиз ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғи ташланишига йўл қўйилган. Айрим фермер хўжаликлари бошлиқларининг «хотамтойлиги» сабабли 2.67 гектар майдон ўзбошимчалик билан фуқароларга томорқа сифатида тарқатиб юборилган. Масалан, «Акрам» фермер хўжалиги бошлиғи Холбўта Сариев ана шундай ноқонуний йўл тутган. У пахта экилиши режалаштирилган 46 гектар ернинг 0.60 гектарини фуқаролар Т. Эсонов ва Н. Эсоновга томорқа сифатида ўлчаб бериб, уларнинг ерёнғоқ экишларига имконият яратган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Текшириш натижаларига биноан айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

2001 йил Шеробод туманида ҳам пахта ва айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда қолоқлик яна такрорланди. Бунинг сабаби ерга хўжасизларча муносабатда бўлинаётганида.

Ёлғон ҳисоботлар бериш ҳамон учраб турибди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 403-сонли қарорига кўра, 2001 йилги чигит экишни 15 апрелга қадар тугаллаш белгиланган эди. У. Юсупов номидаги ширкат хўжалигининг А. Чоршанбиев бошлиқ «Алишер», Т. Мадиев бошлиқ «Абрам», А. Худойназаров раҳбарлигидаги «Жўрабек», шунингдек, «Таллашкон» ширкат хўжалиги ҳудудидаги Н.Мамашукуров бошлиқ «Омад-2» фермер хўжаликларида чигит экиш юқоридаги қарорда белгиланган муддатда тамомланмаган. Шундай бўлса-да туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Ч. Мамаражабов туманидаги барча фермер хўжаликларида 2001 йил ҳосили учун режада кўрсатилган пахта экини тўлиқ экиб тугалланди, деб туман ҳокимлиги статистика ва ҳисоблаш марказига нотўғри ҳисобот берганлиги аниқланган.

У. Юсупов номидаги ширкат хўжалигининг М.Турсунов, Р. Юсупов, Б.Пардаевларга қарашли 124 гектар майдонда ҳам чигит қарорда кўрсатилган муддатдан кеч экилган. У.Туропов номидаги ширкат хўжалиги раиси М.Исмоилов била туриб туман ҳокимлиги статистика ва ҳисоблаш марказига нотўғри ҳисобот берганлиги ошкор бўлди. Текшириш натижасига кўра, туман прокурори томонидан Ч.Мамаражабов ҳамда М.Исмоиловга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддаси 1-қисми билан иш қўзғатилди.

Шўрчи туманида ҳам қишлоқ хўжалигининг аҳволи яхши эмас. Хусусан, 2001 йилда ҳам пахта тайёрлаш режаси уддаланмай қолди. Тармоқдаги бундай нуқсонлар қаердан келиб чиқаётир?

Бунга сабаб ер талон-торож қилинаётганлигидир.

(Давоми 2-бетда)

ОЛИМПИАДА — 2002: ХРОНИКА

МАЛИНИНА — 13-ЎРИНДА, БУГУН...

XIX қишки Олимпия ўйинлари олдидан мутахассислар муз устида нафис учиш баҳсларида бир неча карра жаҳон чемпиони америкалик Мишель Кваннинг олтин медалга асосий даъвогар эканлигини таъкидлашганди. 19 февраль куни бўлиб ўтган фигурали учиш турининг қисқа дастур баҳсларида бу машҳур спортчи энг юқори кўрсаткичга эришди. Кван муз устида ўз маҳоратини деярли бехато намойиш этиб, мусобақа ғолибига айланди — 0,5 балл. Ушбу баҳсларда Ирина Слуцкая (Россия, 1,0), Саша Коэн (АҚШ, 1,5)лар олимпиаданинг кумуш ҳамда бронза медалларини қўлга киритишди.

Аввал хабар қилинганидек, мазкур мусобақада ҳамюртимиз Татьяна Малинина ҳам музга чиқди. Нагано — 98 олимпиадасида саккизинчи поғонани эгаллаган спортчимиз бу сафар 27 қатнашчи ўртасида ўн учинчи натижани кўрсатди — 6,5.

Кеча Тошкент вақти билан соат 20.00да Солт-Лейк Ситидаги Олимпия қишлоғига кўнгироқ қилиб, делегация раҳбарларидан бири Роман Исаевич Ицковдан Татьяна Малинина илк синовдан қандай ўтганлигини сўрадик.

— Биз ундан юқорироқ натижа кутгандик,—деди у. — Малинина дастурни бехато бажарди. Афсуски, ҳакамлар унинг меҳнатини баҳолашда анча қаттиққўллик қилишди.

Бугун Татьяна эркин дастур бўйича ўз маҳоратини намойиш этади.

Чанғичиларимиздан Элмира Ўрумбоева ҳам бугун слалом(тоғдан тез тушиш) бўйича мусобақаларда иштирок этади.

ГЕРМАНИЯНИНГ ИМКОНИЯТИ

Газетанинг аввалги сонларида кўпчилик Солт-Лейк Ситида ўтаётган мусобақаларда умумжамоа ҳисобида Германия спортчилари биринчи ўринни эгаллайди, деб тахмин қилишганлиги хусусида тўхталгандик. Лекин қишки олимпиаданинг ўтган 12 куни якуни бўйича норвегияликлар пешқадам бўлиб туришибди. Агар Германия вакилларининг эришган муваффақиятларига назар ташланса, улар пешқадамларга муносиб таъқибчи эканликлари кўринади.

Жамоалар	олтин	кумуш	бронза
Норвегия	9	6	2
Германия	8	13	7
АҚШ	6	8	7
Россия	5	5	3...

■ **Эркин ХОЛБОБО тайёрлади**

ТАҲЛИЛ ШУНИ КЎРСАТДИКИ...

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ва унинг ҳудудий тармоқлари ташкил этилган. Яқинда мазкур Департаментнинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Департамент органлари ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, солиқларни тўлашдан бош тортганлик, иқтисодиёт ҳамда солиқ соҳасида содир этилган жиноятлар учун жазонинг муқаррарлиги тушунчасини тарбиялаш борасида мунтазам солиқ тўловчилар билан учрашувлар ўтказишмоқда.

Бундан ташқари, ҳуқуқ тарғиботи ва қонунларни тушунтириш ишларида оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Натижада солиқ тўловчилардан 297 миллион сўмлик маблағ ихтиёрий равишда бюджетга тўланди. Ҳуқуқбузарликлар юзасидан қўшимча ҳисобланган солиқ ва молиявий жарималардан эса бюджетга 3,5 миллиард сўм ундирилди.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг, жиноятларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятлари, яширилган солиқ базаси, хусусий фирмалар томонидан бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар ҳамда товар айланмасини расмий ҳисоботларда тўлиқ кўрсатмасдан содир этилмоқда.

Шунингдек, йиғилишда бугунги кунда солиқ соҳасида содир этилаётган бошқа ҳуқуқбузарликларнинг, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш чоралари, айни пайтда кадрларни тарбиялаш, касб-маҳоратини ошириш ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

■ **Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Тошкент тўқимачилик комбинати очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилганига 7 йил бўлди. Унинг таркибига 4 та йигирув, 5 та тўқувчилик, ип ва пардозлаш фабрикаси киради.

Корхонада меҳнат қилаётганларнинг умумий сони 7828 киши бўлиб, уларнинг 70 фоизи хотин-қизлардир. Корхонада йил якунлари бўйича 23,1 миллиард сўмлик маҳсулот, 14,2 миллиард сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

Истеъмолчилар талабини қондириш мақсадида ҳар йили газламалар турлари янгиланмоқда. Жумладан, ўтган йили техник газламалар, фланел, бўз матолари ва сатин ишлаб чиқарилди. Янгиликнинг иқтисодий самараси 80 миллион сўмни ташкил қилди.

Хомашё ва материаллардан оқилона фойдаланиш сарф-харажатларни камайтириш ва қўшимча даромад олиш имконини берди. Бу ерда республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича талай ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2001 йилда маҳсулот экспорти 3,2 миллион АҚШ долларини (бу 2000 йилга нисбатан 1,5 баравар кўп) ташкил этганининг ўзиёқ бу борада ишлар ривож топаётганини кўрсатади.

Суратда: йигирув-тўқув фабрикаси тўқувчиси Соҳиба Садинова.

■ **Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат**

Жойлардан олинаётган маълумотлар Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг кундалик фаолияти ранг-баранглигидан далолат беради. Уларнинг айримлари билан партия фаоллари ва газетхонларни таништирамиз.

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АМАЛИЙ ЁРДАМ

Маҳаллий партия ташкилотларидаги аҳволни чуқурроқ ўрганиб, уни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда, **Марказий Кенгаш масъул ходимлардан иборат махсус гуруҳ** тузилиб, у ўз ишини Фарғона водийси вилоятлари партия ташкилотлари фаолияти билан танишишдан бошлагани ҳақида олдин хабар берилган эди. Марказий Кенгаш масъул ходими С.Усмонов раҳбарлигидаги мазкур гуруҳ аъзолари бу гал **Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятлари**да бўлдилар. Улар белгиланган муддат давомида ХДПнинг мазкур вилоятлар, **Жиззах, Самарқанд, Навоий шаҳар, Булунғур, Жомбой, Хатирчи туман кенгашлари ва қатор бошланғич партия ташкилотлари ишини** ўрганиб чиқдилар. Унинг жараёнида партия маҳаллий тузилмаларининг ортда қолган йилдаги фаолиятига таҳлилий назар ташланди, партия ташкилотлари котиблари ва фаоллари билан мулоқотда бўлинди, уларга амалий ёрдам кўрсатилди. Мазкур вилоятлар партия кенгашларида ўтган якунловчи йиғилишларда уларда иштирок этган барча шаҳар, туман партия кенгашлари котиблари ва фаоллар эътибори кўпроқ йўл қўйилган камчилик ҳамда ҳал қилинмаган муаммоларга, ЎзХДПнинг кейинги ривожланиши масалаларига қаратилди. Тадбирларда Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоят партия кенгашлари биринчи котиблари М.Иномов, Р.Ҳамроқулов ва Р.Ботиров қатнашдилар.

Ўзбекистон ХДП Уйчи туман кенгаши масъул ходимлари ҳам барча меҳнат жамоалари ва ўқув юртлари бошланғич партия ташкилотларининг ишлари билан яқиндан танишиб, уларни жонлантириш юзасидан тавсиялар бердилар.

ХДП Норин туман кенгаши «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги БПТ негизида бошланғич партия ташкилотларида ички партиявий ишларнинг юритилиши мавзуида амалий семинар ўтказди.

Марҳамат туман партия кенгаши эса Т.Мирзаев номидаги ширкат хўжалиги БПТ негизида партия қуйи бўғинлари етакчилари ва маҳаллалар фаоллари учун «давра суҳбати» уюштирди. Унда бошланғич партия ташкилотларининг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда оммавий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш амалиёти бош мавзу бўлди. Суҳбатда Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатлар ҳам иштирок этдилар.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

Касби туман ҳокимлиги маданият бўлими қошидаги ЎзХДП бошланғич ташкилотининг очиқ мажлисида партия аъзоларининг Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 февралдаги йиғилишида сўзлаган нутқида баён этилган қоидаларни ўрганиш ва тарғиб қилиш борасидаги вазифалари белгиланди. Шундай мажлислар кўплаб бошқа БПТда ҳам ўтмоқда.

Партия ташкилотлари машҳур аждодларимизни шарафловчи маданий тадбирларни ўтказишга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдалар. Чунончи, **ЎзХДП Хонқа ва Урганч туман кенгашлари** масъул ходимлари тайёрланишида бевосита иштирок этган навоийхонлик кечалари 35-мактабда ва Ғайбу қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтди. Шеърхонлик, ғазалхонлик, театрлаштирилган саҳналар намойиши уларга байрамона руҳ бағишлади.

Кўрғонтепа туманидаги агроиқтисодиёт коллежи бошланғич партия ташкилоти котиби Ф.Мамадалиева «А.Навоий — доим қалбимизда!» мавзусидаги адабий кечанинг ўтказилишига бошқош бўлди. Унда Алишер Навоий асарларини тасвирловчи расмлар кўриги ва унинг ғазалларини ифодали ўқиш бўйича танлов ўтказилганлиги ёшларнинг бадиий ижодга қизиқишларини кучайтирди. Тумандаги 3- ўрта мактабда бўлиб ўтган тадбир эса З.Бобур таваллудининг 519 йиллигига бағишланди. БПТ котиби Ф.Абдуллаева олиб борган кечада туман ҳокимлиги, ХДП туман кенгаши, халқ таълими бўлими ва марказий кутубхона вакиллари қатнашдилар. З.Бобурнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий кечани **Тўрақўрғон партия кенгаши** республика «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлинмаси билан ҳамкорликда ташкил этди.

ХДП Кўрғонтепа туман кенгаши ва бошланғич партия ташкилотлари томонидан 39,40,41 ва 43-мактабларда Ўзбекистон ХДПнинг жамиятда тутган ўрни мавзусида учрашувлар уюштирилди. Уларда устоз ва мураббийлар ҳамда юқори синфлар ўқувчилари иштирок этдилар.

Пахтаободда жорий йилнинг 27 январида мамлакатимизда бўлиб ўтган референдумнинг якунлари ва миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятига оид савол-жавоб кечаси ўтказилди. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Абдураҳмонов, ХДП туман кенгаши биринчи котиби М.Ғуломов ва деҳқон-фермерлар уюшмаси раиси М.Мамадалиевлар белгиланган мавзулар хусусида гапириб, йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Собир Раҳимов туманидаги Аҳмад Яссавий номли маҳаллада аёллар муаммоларига бағишланган семинар машғулоти ўтказилди. Уни тайёрлашга республика Лидер аёллар маркази ва «Иқбол» ёшлар маркази билан биргаликда туман партия кенгаши ўз ҳиссасини қўшди.

ҚАРИЯЛАР – ЖАМИЯТ ФАХРИ

Жиззах вилоятининг **Ғаллаорол туманидаги** «Бўлоқбоши», «Иттифоқ», «Маданият» қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Д.Йўлдошев, Э.Исмоилов номли ва «Зирабулоқ» ширкат хўжаликларида уруш ва меҳнат фахрийлари, эл ардоғидаги отахону онахонлар билан учрашув ва суҳбатлар бўлиб ўтаётир. Айни пайтда, ногирон ва бемор ХДП аъзолари ҳолидан хабар олинмоқда. «Маърифат сабоқлари», деб номланган ушбу тадбирларни ўтказишда, туман ҳокимлиги, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларининг маҳаллий тузилмалари билан бир қаторда, Ўзбекистон ХДП туман кенгаши фаол иштирок этмоқда.

Избоскан туман партия кенгаши фаоллари «Ўртоқлар» қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари билан ҳамкорликда, «Чолу кампир шоу» танловини ўтказди. Мусобақалашган беш оила бошлиқларининг ҳаётий тажрибага оид саволларга жавоблари ва турли топшириқларни бажаришларини маҳалладошлар, хусусан, ёшлар, катта қизиқиш билан кузатдилар. Ғолибларга туман ҳокимлиги ва ХДП туман кенгаши эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон ХДП **Собир Раҳимов туман кенгаши** 3-автобус саройи маъмуриятининг кўмагида бу ердаги Қариялар уйида истиқомат қилувчи отахон ва онахонлар учун Темурийлар тарихи давлат музейига экскурсия ҳамда Шаҳидлар хотираси хиёбонини зиёрат қилишни ташкил этди.

Қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб, **Ҳамза туманида** ўтказилган «Мен ва менинг маҳаллам» кўрик-танловида Яссавий ва Юнусов номли, «Бинокор», «Гулистон» маҳаллари аҳли, шунингдек, 67, 155, 156, 206-мактаблар жамоалари иштирок этдилар. Ўқувчи-ёшлар ўз маҳаллаларининг тарихи, унда яшаган ва истиқомат қилаётган таниқли шахслар, бу ерда фаолият кўрсатаётган тўгараклар тўғрисида гапириб бердилар ва турли соҳаларда ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Тадбирни ўтказишда Ўзбекистон ХДП туман кенгаши, ҳокимликнинг халқ таълими бўлими, «Нуроний» ва «Соғлом авлод учун» жамғармалари ва қатор бошқа ташкилотлар жонбозлик кўрсатдилар. Танлов ғолибларига совғалар, туман партия кенгашининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

ЎзХДП **Зарбдор туман кенгашида** БПТ котиблари ва партия фаоллари иштирокида семинар бўлиб ўтди. Унда Қарияларни қадрлаш йили тадбирларини ўтказишда партия ташкилотларининг вазифалари кўриб чиқилди. Семинарда туман ҳокими Ў.Азимов сўзга чиқди.

Қарияларни қадрлаш йили тадбирлари доирасида, туман ҳокимлиги ва ХДП туман кенгаши ташаббуси билан, **Бухоро вилоятининг Шофиркон шаҳри** марказида янги истироҳат боғини ташкил қилишга киришилди. Боғни жорий йил Наврўз байрами арафасида очиш мўлжалланмоқда.

Вобкент туман партия кенгаши Қарияларни қадрлаш йили тадбирларини ўтказишда «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва қатор бошқа жамоат ташкилотлари билан амалий ҳамкорлик тўғрисида келишиб олди.

Урганч шаҳридаги «Умид» маҳалласи БПТ Қарияларни қадрлаш йили тадбирларини ўтказишга бошқош бўлмоқда. Унинг ташаббуси билан тузилган режага кўра тарғибот-ташвиқот гуруҳи аъзолари мазкур йилга оид давлат дастурининг мазмун-моҳиятини кексаларга тушунтирмоқдалар. Фахрийларнинг ёшлар билан учрашувлари ташкил қилинмоқда. Иқтисодий жиҳатдан қийналаётган қарияларга коммунал ва маиший тўловларда ҳамда дори-дармонларни сотиб олишда моддий ёрдам кўрсатиш, ёлғиз кексаларни бепул озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари ҳал қилинмоқда.

ДАВР ВА ЁШЛАР

Шу мавзудаги учрашув **Ғаллаорол туман партия кенгаши** ҳамда хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» жамғармаси маҳаллий тузилмалари томонидан ҳамкорликда, ташкил қилинмоқда. Дастлабки учрашувлар «Ғўбдин» қишлоқ фуқаролар йиғини, Республика Ғаллачилик илмий-ишлаб чиқариш институти Ғаллаорол филиали, Ғаллаорол паррандачилик ҲЖ, «Олимлар» ва «Бахт» маҳаллалари, шунингдек, 10,22-мактаблар ўқувчилари ўртасида ўтказилди. Уларда зиёлилардан Э.Қосимова, А.Маматов, А.Ҳаққулов, Ғ.Холбеков, И.Низомов, С.Файзуллаевларнинг чиқишлари ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

ЎзХДП **Бўстонлиқ туман кенгаши,** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Маънавият ва маърифат» маркази маҳаллий бўлинмалари ташаббуси билан «Авлодлар учрашуви» ўтказилди. Унда Республикада хизмат кўрсатган журналист А.Раҳимбердиев, хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси К.Худойберганов, кекса ўқитувчи Н.Исроилов, туман «Нуроний» жамғармаси раиси К.Ирисбоев, шоирлар А.Асилов ва Ю.Муратовлар сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон ХДП **Хонқа туман кенгаши** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маҳаллий тузилмаси ва ўқув юртлари маъмурияти билан биргаликда ташкил этган касб-ҳунар коллежлари талабаларининг «Қувноқлар ва зукколар» беллашуви «Биз терроризмга қарши курашамиз!» шиори остида ўтди.

Шаҳрисабз туман партия кенгаши, «Экосан» жамғармаси туман бўлинмаси ва табиатни муҳофаза қилиш давлат идораси вакиллари тумандаги коллежлар талабалари учун «Экология ва XXI аср ёшлари» мавзусида анжуман ўтказдилар.

МАҲАЛЛА РАҒБАТИ

Фарғонадаги «Ўрмончилар» маҳалла фуқаролар йиғини аҳли яна бир ташаббус билан чиқдилар. Шу маҳаллада яшаётган иқтидорли ўқувчилар сафини кенгайтириш, яхши ўқиб, намунали хулққа эга бўлишга чорлаш мақсадида улар учун маҳалланинг рағбатлантирувчи мукофотлари жорий этилди. Мукофот шу маҳалла ҳудудида фаолият кўрсатаётган корхоналар, тадбиркорлар ажратган ҳомийлик ёрдамларидан ташкил топади. Шу йилнинг январь ойида танлов комиссияси ўтказган суҳбатлар ва синовлардан кейин ғолиб топилган 5 нафар ўқувчига маҳалла мукофотлари биринчи марта топширилди. Маҳалланинг бу ташаббуси ёш авлод тарбиясида яна бир муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

■ **Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

БАРАКАСИНИ БЕРСИН

Уч юздан зиёд ишчи ишлаётган «Қоракўлдонмаҳсулотлари» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бултур Олот ва Қоракўл туманларида етиштирилган 18541 тонна донни қабул қилиб олганди. Айни кунларда жамоа ишни технология зиммасига юклаган ҳолда ойига 660 тонна ун ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга юбормоқда.

— Ойига 1800 тонна буғдойни қайта ишлаш билан бир қаторда, — дейди жамият раиси Ражаббой Авезов, — Қоракўл шаҳри аҳолисини иссиқ нон, макарон, қандолат маҳсулотлари билан тўла таъминлаб турибмиз. Италия, Болгариядан келтирилган ускуналарда кунига 1 тонна макарон ишлаб чиқарилади. Буханка, обинонларга эса талаб катта.

Ўтган йилни қарийб юз миллион сўм соф фойда билан якунлаган жамоа Олотдаги 2-мактаб, Қоракўлдаги 15-мактаб ҳамда «Мурувват уйи»ни ўз ҳомийлигига олган.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ДАСТУРХОНДА ЖИЗЗАХ ШАКАРИ

Жиззах шаҳрида «Достон-Р» хусусий фирмаси билан Россиянинг «Уралгаз» шакар заводи ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик туфайли корхонанинг филиали иш бошлади. Йилига 600 тонна шакар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган кичик корхона очилиши билан 40 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган мазкур корхонада ишлаб чиқарилган дастлабки маҳсулот шаҳарликлар дастурхонига тортиқ этилди. Айни пайтда корхонанинг тўла қувват билан ишлаши учун зарур бўладиган хомашё заҳирасини яратиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЕР — БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

ХЎЖАСИЗЛИК, ТАЛОН-ТОРОЖЛИК ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

ЁКИ БИЗНИ БОҚАДИГАН, РИЗҚ-РЎЗИМИЗ МАНБАИ БЎЛГАН ЕРГА НИСБАТАН НОИНСОФЛАРЧА МУНОСАБАТ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шўрчи туманида ҳам қишлоқ хўжалигининг аҳволи яхши эмас. Хусусан, 2001 йилда ҳам пахта тайёрлаш режаси уддаланмай қолди. Тармоқдаги бундай нуқсонлар қаердан келиб чиқаётир?

Бунга сабаб ер талон-торож қилинаётганлигидир. Аниқланишича, хўжалик раҳбарлари ва фермер хўжаликлари бошлиқларининг «ташаббуси» билан 32.4 гектар ерга қонунга зид равишда полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштирилишига йўл қўйилган. Айрим фермер хўжаликлари бошлиқлари томонидан 14.7 гектар майдон фуқароларга томорқа сифатида ноқонуний берилганлигини қандай изоҳлаш керак?

Шуниси ачинарлики, баъзи фермер хўжаликлари раҳбарлари ўзлари хоҳлагандек иш тутганлар. Сабаби, улар устидан назорат йўқ. Масалан, М. Бобомуродов бошлиқ «Малоҳат» фермер хўжалигида 2001 йил 7,6 гектар ерда ғалла, 3 гектар майдонда эса пахта етиштирилиши лозим эди. Фермер хўжалиги бошлиғи Шўрчи дон маҳсулотлари масъулияти чекланган жамияти билан 7 гектар майдондан 18 тонна 346 килограмм ғалла топшириш бўйича 37-сонли контракция шартномаси тузган. Бироқ, режа 51.4 фоизда қолиб кетди. Бундан ташқари, М.Бобомуродов «Шўрчи пахта» ОТҲЖ билан 3 гектар майдондан 6,8 тонна пахта топшириш юзасидан 674-сонли контрактация шартномаси тузган эди. Афсуски, режалаштирилган жойга пахта экмасдан, ўзбошимчалик билан карам етиштирганлиги аниқланди. Шунингдек, бу фермер хўжалигининг 7,2 гектар ер майдони ўлчаб чиқилганда 39 кишига ноқонуний томорқа берилганлиги аён бўлди.

Шуни унутмаслик керакки, кимки ерни алдаса у ўзини алдаган ҳисобланади.

Юқоридаги мисоллардан аёнки, айрим туманларнинг раҳбарлари жойлардаги аҳволни чуқур ўрганмайдилар, камчиликларга нисбатан муроса йўлини танлайдилар. Оқибатда белгиланган режалар барбод бўлади.

Жиддий нуқсонлардан бири шуки, фермерлар билан ишлашда малака ва ҳуқуқий билим етишмайди. Буни Термиз тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўнлаб фермер хўжаликларининг ҳужжатлари чалачулпа. Туман ҳокимлиги ва ширкат хўжаликлари ишчи гуруҳлари фаолияти талабга жавоб бермайди. Баъзи ҳолларда фермерлик фаолиятини юритишга тайёргарлиги бўлмаган, деҳқончилик маданиятини яхши англамаган шахсларга ҳам хулосалар бериб юборилган.

Термиз тумани ҳокимининг собиқ биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи У. Даутов, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг раиси Т. Зоиров, «Толмас» фермер хўжалиги бошлиғи Н. Бобоёровлар мансаб ваколатларини суиистеъмол қилган ҳолда ўзаро жиноий тил бириктириб, қонунга зид иш тутганлар. Улар республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги «2001 йил ҳосили учун ғўзани навлар бўйича жойлаштириш ҳамда навларни янгилашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бир хўжаликда районлаштирилган бир турдаги ғўза нави экилиши шартлиги ҳақидаги талабларини қўпол равишда бузишган. Хусусан, юқоридаги фермер хўжалиги томонидан 45.3 гектар ер майдонига ғўза навлари аралаш ҳолда экилган. Бундан ташқари, пахта экилиши лозим бўлган 1.12 гектар ерга шолғом, 0,81 гектар майдонга пиёз, 0,37 гектар ерга эса помидор экилиб хўжаликка жиддий зиён етказилган. Бу ҳам етмагандек Н. Бобоёров шолғом, пиёз ва помидорнинг пулини бухгалтерияга кирим қилмасдан ўз манфаати учун ишлатиб юборган. Хўжаликка 5 миллион 619 минг 491 сўмлик зарар етказиш баробарида берилган транш маблағларидан 859 минг 867 сўмни иш ҳақи ҳисобига олиб, талон-торож қилган.

Яна бир иллат — ерга солиниши зарур бўлган ўғит кимларнингдир чўнтагини қаппайтираётганлигидир. Деҳқонларга минерал ўғит етказиб берувчи кўплаб ташкилотлар ишида жиддий камчиликлар бор. Масалан, вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамияти томонидан 2001 йилги пахта ҳосили учун хўжаликларга 26800 тонна ўрнига 16888 тонна азотли ўғит етказиб берилди. Бу борадаги шартнома режаси эса 63 фоизга бажарилди, холос. Бундан ташқари, 5600 тонна ўрнига 3574 тонна фосфорли ўғит келтирилиб, шартномадаги режа 44 фоиздан ошмади.

Энг ташвишлиси, юқоридаги акциядорлик жамиятига қарашли Учқизил «Кимётаъминот» ОТҲЖнинг собиқ бошлиғи Р. Қурбонов, Жарқўрғон туманидаги филиалининг собиқ мудирлари Н. Тошматов, А. Айназаров, собиқ бош ҳисобчиси Х. Хидиров ва омбор мудирлари Э. Ёрлаев, Б. Жовкашов, Музрабод туманидаги филиали омбор мудири Ж. Шариповлар жиноий тил бириктириб рўйхатдан ўтказилмаган сохта ишонч хатлари орқали Термиз тумани ҳудудида жойлашган «Учқизилкимётаъминот» ОТҲЖдан 2000 йил давомида олинган минерал ўғитлар ва заҳарли химикатларни ўз ташкилотларига кирим қилдирмасдан, мансаб ваколатларидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб, расмий ҳужжат ва ҳисоботларни била туриб қалбакилаштирган. Натижада вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик жамиятининг мулки бўлган кўп миқдордаги минерал ўғит ва бошқа химикатларни нақд пулга сотиб юборганлар ва шахсий манфаатлари йўлида акциядорлик жамиятига 30 миллион 192 минг 630 сўмлик зарар етказишган. Мазкур ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди ва тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Агар юқоридаги сингари салбий ҳолатларнинг олди олинганида, ерга муносабат ўзгарганда эди, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги камчиликлар барҳам топар, ернинг унумдорлиги ошиб, замин инсондан ўз неъматларини аямас, аграр тармоқдаги ислоҳотлар янада тезлашган бўлар эди.

Президентимиз 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида: «Ер майдонларидан белгиланган мақсадларга зид равишда ўзбошимчалик билан фойдаланиш ҳолатлари минг афсуски, ҳар қадамда учраб турибди.

Бизни боқадиган, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ерга нисбатан бундай ноинсофларча муносабат қандай нохуш оқибатларга олиб келишини англаш учун ўйлайманки, мутахассис бўлиш шарт эмас», дея куйиниб гапирдилар.

Ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва ундан қонунга хилоф тарзда фойдаланиш фактлари бир нечта вилоятларда, хусусан, Сурхондарёда ҳам содир этилаётганлиги мажлисда алоҳида таъкидланди.

Ҳар бир раҳбар ва деҳқон Юртбошимизнинг куюнчаклик билан айтган бу сўзларидан хулоса чиқариши, ерга муносабатни ўзгартириши лозим. Ер — энг азиз, бебаҳо бойлигимиз. Ерни алдаган, талон-торож қилганлар жазосиз қоламан, деб ўйламасин. Ерга хиёнат энг оғир гуноҳ ҳисобланади. Бундай жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмайди.

■ **Шодмон САФАРОВ, Сурхондарё вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи.**
Жовли ХУШБОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЖУРНАЛИСТ САФАРДАН ҚАЙТДИ

АФҒОНИСТОН: ЖАРОҲАТЛАР, ИЗТИРОБЛАР ВА ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

УЧИНЧИ МАҚОЛА

«Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кетади». Афғонистонда 20-25 ёшга кирганлар ўз юртларида қачон тинч-тотув ҳаёт бўлганини эслолмайдилар. Уруш гўё одамларнинг касбкорига айлангандек эди. Энг ёмони, ҳамманинг қўлида қурол бор. Қизиғи, бу ҳолатдан ҳеч ким ажабланмайди. Худди шундай бўлиши керакдек.

...Бизни Мозори Шарифдан Шибирғон шаҳрига, сўнгра Майманага олиб борган машина ҳайдовчиси Абдураҳмон айтган бир гап хаёлимдан кетмайди.

— Ёшим 25 да, лекин жуда қарига ўхшайман. Мардумнинг умрини уруш ҳам кексайтирар экан. Билсангиз, ойлаб уйга боролмайман. Ҳар куни шу — хизматдаман... Ҳар куни қўлимда «Калашников». Бу қурол-ку — ҳукуматники. Аммо уйда ҳам шундай яроғ бор. Нима қиласиз, дейсизми? Ахир, қурол бўлмаса хотиржам яшай олмаймиз-да. Шунинг учун ҳатто аёлларимизнинг ҳам қўлида қурол бор.

Ҳа, бу гапларда сира муболаға йўқ. Лекин тан олиш жоиз, кўҳна Хуросон юртида ҳаёт ўз ўрнига тушиб бораяпти. Қолаверса, Афғонистонда иқтисодни юксалтиришга ҳисса қўшаётган тадбиркорлар ҳам кўп. Ана шундайлардан бири Мозори шарифлик Босмуҳаммад Ғулом Саҳий ўғли. У ёш бўлишига қарамай, бошидан кўп жабру ситамларни ўтказган.

— Ана шу урушлар оқибатида туғишган ака-укаларимдан тўрт нафари шаҳид бўлди, — дейди у. — Ўсмирлик йилларим, болалигимнинг энг ёруғ, нурафшон палласи тоғу тошларда, очнаҳорликда, азоб-уқубатда ўтди. Қаҳратон қиш чилласида қўлда қурол билан юртим озодлигини ўйлардим. Ватанимга тинч кунлар қачон келаркин, деган умид билан неча йилларни ўтказдим. Ана шу ўтказган кунларим, йилларим ҳақида кундалик ёзиб юрардим ўшанда. Ҳар куни борган жойларим, қилган жангларимиз, ўқ еб нобуд бўлган биродарларим ҳақида ёздим кундалигимда. Бугун ўша хотираларимга кўз югуртирсам, кўзларимдан ёш қалқийди. Ижодкорларга тақдим этсам, бир қизиқ китоб бўларов.

Ўз хотираларини бизга сўзлаётган Босмуҳаммаднинг киприкларида ёш милтиллайди. Унинг ҳикояларини эътиборсиз тинглаб бўлмайди.

— Шимолий Афғонистонни генерал Абдурашид Дўстим эгаллагач, мен у кишига «Энди қурол ташлаб, тадбиркорлик билан шуғулланай», дедим. Чунки, оч-наҳор одамлар жуда кўп эди. Уларга қараб турол-масдим. Шу-шу ўзимни тижоратга урдим. Ҳозир Мозори Шарифда бир нечта катта савдо расталарим, ёнилғи қуйиш шаҳобчаларим бор.

Дунёнинг турли давлатларидан моллар олиб келамиз. Ўзбекистон Президентининг Фармонига асосан Термиз-Ҳайратон кўприги орқали тадбиркорларнинг юклари Афғонистонга ўтказилишига имкониятлар яратилди. Бундан жуда мамнун бўлдик. Мен Ўзбекистонда ҳам бир қўшма корхона очиш ниятидаман...

Тадбиркорнинг Мозори Шариф шаҳридаги пахта қабул қилиш ва уни қайта ишлашга ихтисослашган заводи (ҳозирча ижара)ни бориб кўрдик.

Заводда иш қизғин эди. Афғон деҳқонлари етиштирган пахтасини шу ерга олиб келиб топширишади ва ўша заҳоти 1 кило оқ пахта учун йигирма минг афғони пули олишар экан.

Ўтган йили Босмуҳаммад 3600 тонна пахта сотиб олибди. Бу йил 7000 тонна пахта олмоқчи экан.

Тўғрироғи, пахта заводидаги бундан 52 йил аввал ўрнатилган ускуналар анча эскириб қолган. Аммо ҳозирча ишлатса бўлади. Фақат электр қуввати масаласи қийин. Шунинг учун завод кунига 4-5 соат ишлайди, холос. Бошқа пайтлари электр қуввати етишмайди.

Бундан ташқари, унинг Балхда бўз тўқийдиган кичикроқ фабрикаси, ёғ ишлаб чиқарадиган заводи ҳам бор экан.

Балх вилоятининг Кутебарқ деган мавзесида жойлашган кимёвий минерал ўғитлар заводи эса Осиёда йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Бу корхонада 2700 дан зиёд одам ишлайди. Кунига 500 тонна азот ишлаб чиқариш қувватига эга завод толиблар даврида анча зиён-заҳмат кўрган. Малакали кадрларнинг кўпи эса қочиб кетишга мажбур бўлган. Бундан ташқари толиблар заводда ишлайдиган аёлларни ҳам қувғин қилишган.

Ҳозирги пайтда эса ишлар ижобий томонга юз бурган. Ҳар куни 165 тонна минерал ўғитлар тайёрланаяпти. Энг муҳими, кимёвий маҳсулот учун хомашё четдан келтирилмайди.

Ишлаб чиқарилаётган азотнинг нархи билан қизиқдик. Бир халта, яъни 50 килограмм минерал ўғит 6,5 АҚШ доллари атрофида нархланган.

— Корхонамизда Ўзбекистонда ўқиб, малака ошириб келган мутахассислар жуда кўп, — дейди идора ишлари бўйича масъул Муҳаммад Содиқ. — Қолаверса, ўзбекистонлик ҳамкорларимиз билан ҳозир ҳам яқин алоқадамиз. Ушбу заводнинг шу даражада ишлаб туришида Ўзбекистоннинг ёрдами катта, — деди у.

...Беш кунлик сафаримиз давомида биз Афғонистоннинг бугуни ва эртаси ҳақида мулоҳаза билдириш мумкин бўлган жуда кўп жойларда бўлдик. Балх Давлат университетида, Мозори Шарифдаги аёллар ва эркаклар касалхоналарида, қиз болалар мактабида ёки Шибирғондаги

шифохоналару Балхдаги энг муқаддас зиёратгоҳлардан бўлмиш Эски тахтапул — ҳозирги Қалъаи Зайниободдаги Алишер Навоий бобомиз қадамлари теккан масжид, Хўжа Парсо Валий масжиди, масжиди Хожа Пиёда ва яна Субҳонқулихон даврида қурилган тарихий мадрасаларни бориб кўрдик.

Умуман олганда юқоридаги манзиллар ҳақида алоҳида ва атрофлича тўхталиш мумкин. Аммо бизнинг қалбимизни ҳаяжонга солган айрим манбалар ҳақида икки оғиз айтмасдан ўтолмаймиз.

Зеро, минглаб шаҳидлар ётган бу жабрдийда юртда буюк боболаримиз Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Абу Райҳон Беруний, Султон Ҳусайн Бойқаро, Бобораҳим Машраб сингари улуғ аждодларимизнинг табаррук хоклари бор.

Мозори Шариф шаҳрида яшовчи муаллим Сайид Муҳайиддин Гавҳарий деган домланинг қўлида жуда ноёб қўлёзмалар сақланаётган экан. Жумладан, Бобур Мирзонинг «Девони аруз» рисоласининг 1520 йилда кўчирилган нусхаси, 320 йил бурун номаълум хаттот томонидан кўчирилган Қуръони Карим ёки Бобур Мирзо томонидан яратилган 28 ҳарфдан иборат, араб алифбосига нисбатан анча содда тузилган «Бобур алифбоси»нинг дунёдаги мавжуд 2 нусхасидан бири ёки Алишер Навоий бобомизнинг ўз қўллари билан битилган ҳуснихатлари шулар жумласидандир...

...Бир пайтлар мўғул босқинчиларига қақшатқич зарбалар бериб, Чингизхоннинг Тўлихон деган ўғлининг аскарларини тор-мор қилган мард ватандошимиз Жалолиддин Мангуберди душман билан курашиб, ғолиб келган қадимий Хуросонда ҳамроҳларимдан бири, тележурналист Жўрақул Турсунов бир гап айтиб қолди:

— Афғон юрти маънавий манбаларга бой экан. Одамлар ҳам ўз болаларини ўқитиш ҳақида ўйлай бошлабдилар. Қаранг, гарчи бу мамлакатдаги катта-катта шаҳарларда ҳали театр, маданият уйлари, киноклублар бўлмаса-да, бир қанча кутубхоналар бор экан. Яқинда Мозори Шарифда газета чиқа бошлабди. Телевидение ишга тушибди. Демак, афғон халқи энди тинч-тотув яшаш учун қолган ҳамма ишларни ҳам қила олади.

Мен касбдошимнинг фикрларини қўллаб-қувватладим.

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири
Термиз — Мозори Шариф — Шибирғон — Термиз.

«ОСИЁ-ВЕСТ»
OSIYO WEST
Ўзбекистон — Германия — Исроил
қўшма корхонаси
Ўзбек халқини ва мўмин-мусулмонларини
Ийд ал-Адҳо — Қурбон ҳайити
муносабати билан самимий табриклайди.



Ушбу кунларда
Аллоҳ таборака ва
таолодан Ўзбекистон аҳлига
соғлиқ-саломатлик, мусулмон
умматига хайру барака
ато этишини сўраймиз.

Барча юртдошларимизга омад, шодлик,
хотиржамлик, фаровонлик доимий
ҳамроҳ бўлишига тилакдошмиз!

XORIJDA

ҲУШЁРЛИК — АСОСИЙ ВАЗИФА

11 сентябрь воқеаларидан сўнг АҚШ ҳукумати барча жабҳаларда зарур эҳтиёт чораларини кўришга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, террористларга боғлиқ маълумотлар тарқалишининг олдини олиш ҳамда уларнинг сир сақланишини кучайтириш каби турли муаммолар ҳукумат комиссиясининг навбатдаги йиғилишида муҳокама қилинди. Шу пайтгача мамлакатда бундай ҳолатлар бўйича ҳеч қандай ташвиқот ёки бирор-бир чеклаш йўқ эди. Ҳукуматга тегишли юзлаб интернет сайтларида турли объектлар лойиҳасидан тортиб атом электр станцияларининг чизмасигача бўлган маълумотларни топиш мумкин. Илмий-оммабоп журналларда эса олимларнинг кимёвий, бактериологик ёки ядровий соҳалардаги турли тадқиқотлари батафсил ёритилмоқда. Ҳатто, китоб дўконларида Федерал разведка бюросининг техник бўлинмаларига оид китобларни исталганча топиш мумкин.

Йиғилишда ушбу ҳолатларнинг олдини олиш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқилди.

Ҳукумат бундай ҳолатларни қатъиян чеклаш тарафдори эмас. Бироқ, эълон қилинаётган тадқиқот ишларидан тинчликка хавф солувчи кучлар томонидан ғараз ниятда фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида шундай йўл тутишга мажбур бўлишмоқда.

ЯНА БИР ВИДЕОТАСМА ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ

Яқинда АҚШ Федерал разведка бюроси Гуантанамо асирларидан бирини сўроқ қилиш орқали «Ал-Қаида» гуруҳининг янги террористик актларга тайёрланаётгани ҳақидаги маълумотга эга бўлишганди. Кеча Кобулда топилган видеотасма ушбу режа ҳақида янада кенгроқ маълумотлар берди.

«USA Today» газетаси журналистлари қўлга киритган ушбу тасмада гуруҳнинг Сингапурда содир этиши керак бўлган қўпорувчилик ҳаракатининг режаси тасвирланган экан.

Унда тасвирланишича жангарилар Сингапурда жойлашган АҚШ элчихонаси, Британия ҳамда Австрия дипломатик корпуси ҳамда Ғарб мамлакатларининг маҳаллий ташкилотларига ҳужум уюштириши режалаштирилган. Операцияда қатнашиши кўзда тутилган шахслар алоқа воситалари, жой хариталари ҳамда шу каби воситалар билан машқ ўтказишаётганлиги намоён қилинган.



Ушбу режа декабрь охирида Федерал разведка бюроси томонидан 13 жангарининг қўлга олиниши орқали барбод қилинган эди.

МУЗОКАРАЛАР ЎРНИГА АЙБЛОВЛАР

Покистон ҳукумати Ҳиндистоннинг четдан замонавий қурол-яроғ сотиб олаётганидан ташвиш билдирмоқда. Айни кунларда эса бу ерда ҳарбий қуроллар кўргазмаси бўлаётгани ҳам салбий ҳолатдир. Бундай ҳаракат минтақада қуролланиш пойгасини авж олдириши турган гап, деди Покистон ташқи ишлар вазирлиги вакили Азиз Аҳмадхон. Унинг айтишича, расмий Исломобод ҳозир асосий эътиборни қуролланишга эмас, балки мамлакатда қашшоқликни бартараф этиш, соғлиқни сақлаш, таълим тизимини такомиллаштиришга қаратмоқда. Шунингдек, Азиз Аҳмадхон Ҳиндистонни музокараларга қарши чиқишда ҳам айбламоқда. У буни яқинда расмий Покистоннинг Кашмир масаласида АҚШни ўртада вакиллик қилиш

бўйича таклифини Ҳиндистон раҳбариятининг рад этгани билан изоҳламоқда.

«IPAK YO'LI — IMPEKS БОЗОРИ»

очиқ акциядорлик жамиятининг

2001 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши 2002 йил 23 мартда жамият офисида соат 11.00 да ўтказилади. Манзил: Тошкент шаҳар, Халқлар Дўстлиги шоҳ кўчаси, 156.

КУН ТАРТИБИ:

1. «IPAK YO'LI — IMPEKS бозори» ОАЖнинг 2001 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича жамият директорининг ҳисоботи;

2. Жамиятнинг 2001 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш;

3. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш;

4. Жамиятнинг 2001 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш;

5. Жамиятнинг 2002 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш;

6. Жамиятнинг 2002 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш;

7. Жамият директорини тасдиқлаш.

8. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.

9. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.

10. Жамият Кузатув Кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш тартибини белгилаш ҳақида.

«IPAK YO'LI — IMPEKS БОЗОРИ» ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

ЯНГИ УМИДЛАР



Жанубий Америка умумий бозори — МЕРКОСУРга аъзо давлатлар раҳбарлари Аргентина ҳукуматининг иқтисодий инқирозни бартараф этиш йўлидаги ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, Бразилия, Боливия, Уругвай, Парагвай ва Чили раҳбарлари ривожланган давлатлар ҳамда халқаро молиявий ташкилотларни Аргентинага яқиндан ёрдам кўрсатишга чақирмоқда.

Шу йўлда дастлабки қадамлар ҳам қўйилди. Ўтган ҳафтада молия вазири Хорхе Ремеснинг Вашингтонда Халқаро валюта фонди вакиллари билан олиб борган музокаралари натижаси ўлароқ, фонддан янги кредит линияси очиш умиди пайдо бўлди.

Хабарларга қараганда, яқин кунлар ичида ХВФ вакиллари шу масала бўйича Аргентинага ташриф буюришади.

БОСНИЯГА ЁРДАМ КУЧИ

Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари келаси йили Боснияга ЕИнинг халқаро полиция кучларини жўнатишга қарор қилди. Хабарларга кўра, халқаро кучлар сони 500 кишини ташкил қилади ва улар маҳаллий полицияга мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳамда чегара дахлсизлигини сақлашда ёрдам беради.



ОПЕРАЦИЯ 3 ОЙГА УЗАЙТИРИЛДИ

НАТО шу кунларда Македонияда ўтказилаётган ҳарбий операция муддатини яна уч ойга узайтиришга қарор қилди. Ташкилот бош котиби Жорж Робертсоннинг айтишича, операцияда НАТОнинг 700 нафар ҳарбий хизматчиси иштирок этмоқда. Улар Македониядаги халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланишмоқда.

МУТОЛАА ЗАВҚИ

«СЕНСИЗ КЎРКАМ ЭМАС БУ ТОҒЛАР...»

Шеърият нуқтаи назаридан қараганда, узоқ йиллар шоирликка даъво қилмай, бир тутам бинафша, бир ҳовуч булоқ суви каби тетапоя шеърларини ёзиб юрган Давлатмуроднинг чорак асрли ижод маҳсули «Оққушлар рақси» деб аталган биринчи тўплами ҳақида ҳам камтарона фикр юритиш жоиздир.

Шеърларида турли найранг ва низолардан ҳоли, беозор, беғубор ҳаёт завқи, шукроналик, табиат гўзалликларига ошуфта инсон кўнглининг нозик товланишлари кўринади. Ватан жамолига ҳайрат-ла боқувчи шоир ўзига саволлар беради: «Нега сен, юрагим, тун узра отган Тонгларни кўрганда қувнайсан? Орзу, иқбол бўлиб кўзга кўринган Рангин адирларни кўриб шошасан? Сўталари ипак толадай майин, Қаҳрабо донига тушганда кўзим, Чинордай гужумга термулган сайин, Эволмай қоламан ўзимни-ўзим».

Дунёнинг ўткинчи ташвишларидан хафа бўлавермайдиган шоирнинг қалби гоҳо жонни ўртовчи қийноқларга ҳам бегона эмас: «Кўксингни мижиғлаб чанг солар — Ваҳима юракни эзади. Хаёлни қамраса гиналар, уларни ўтларга отасан. Дилингда йиғласа таъналар, Оҳ, уни кимларга сотасан?»

Давлатмуроднинг иймон-эътиқоди бутунлигини қуйидаги мисралар англатади: «Ўзинг билмай бехос борсангу — қолсанг, Одам қулайдиган жар ёқасига. Орқага бир қадам номардлик муҳри, Олдинга бир қадам — ўлим деган сўз. Шунда ҳам тирик қолсанг мардларча агар, Сен буни Тангрининг шафқати деб бил».

Шоир она заминга боғланган қишлоқдаги дўстига нисбатан ўзини шаҳарда омонат сезиб, хижолат чекади. Дўстининг таъналарини ўринли, деб билади. Аммо у шаҳарда осмонўпар тош биноларда яшаса ҳам, руҳан ўзини яшил қирларда, тоғларда ва денгизлар соҳилида, деб ҳис этади.

Давлатмуроднинг баъзи шеърлари заминга яқинлиги билан ажралиб туради. У бир шеърида «Муштоқ термулганинг билан фалакка, энг баланд минора ердан бошланур. Шу азиз тупроққа умид жойланган, Орзулар чарақлаб нурга айланган. Бахтинг осмонгамас, ерга бойланган. Билгил, ҳаёт асли ердан бошланур», дейди. Ерга, заминга меҳрнинг сабаби шунда.

Шоир Ватанга, унинг азиз, дилга яқин одамларига меҳр улашади. «Сенсиз кўркам эмас бу тоғлар, сенсиз сўлим эмас бу боғлар...» Инсоф билан айтганда, «Оққушлар рақси» тўпламида Хоразм мусиқасига хос оҳангдор, ўйноқи, шўх шеърлар билан бирга, саёзроқ, жўн шеърлар ҳам учрайди. Аммо шунга қарамай, Давлатмуроднинг мансура, манзумаларида беғубор болалик, ҳаёт нафосати, одамнинг қадр-қиммати, ҳам содда, ҳам теран, покиза туйғуларга бойлиги, халқона соддалиги билан маънавий тозаришга хизмат қилади.

■ **Маҳкам МАҲМУД, Нормурод ОЧИЛ**

ҲАМКАСБЛАР

СОЛИҲ ҲАҚИДА ХОЛИС СЎЗ

Солиҳжон билан ўзи севган ва меҳр қўйган «Тошкент оқшоми» газетасида танишганман. Энг аввало у — одоб-андишали. Самимийлиги кўзинда, юзинда, сўзинда барқ урадир. Солиҳжон кўплар меҳрини қозонганлардан. Ўзи ташаббускор, ўттиз беш йилдан буён газетада доим янгиликни, яхшиликни тарғиб қилади. Ёзган мақолалари билан «Оқшом»нинг ўқишли бўлишига ҳисса қўшиб келяпти.

Чинакам журналистликнинг фазилати, наинки ўз ижоди билан кўриниши, ўзгаларни ижодга чорловчи ҳамдир. У кимдан қандай мақола ундиришни билади, ўз вақтида эплайди, буни иқтидор ҳам дейишади. Бу иқтидор Солиҳжонда бордан борки, унинг исми жисмига мослигида — Солиҳлигида.

Мен ҳам Солиҳжон «ишлатган»ларданман. Бир кун устозларим ҳақидаги ибратли эсдаликлардан сал айтсам борми, қўярда-қўймай ёздирди, «Ҳаёт сабоқлари»дан ўрин берди.

«Оқшом»нинг нияти пок заҳматкашларидан бири Солиҳжон Ёқубов олтмишга кирибди. Унинг ҳаёт йўлига назар ташласангиз, фақат яхшиликни, эзгуликни кўрасиз. Шу боис ҳам уни кўпчилик билади, дилдан, чиндан ҳурмат қилади. Унинг боиси бир талай, уларни санамадим баракаси ўчмасин деб, асосий боиси Солиҳлигида, Солиҳлигида.

«Оқшом» чароғини ёқиб,
Барчага тенг ёқиб,
Яшайвергин, эй Солиҳ Ёқуб!

■ **Пўлат МЎМИН, Ўзбекистон халқ шоири**

BURSEL GROUP ЖАМОАСИ

ЎЗБЕКИСТОН АҲЛИНИ ВА БАРЧА МУСУЛМОНЛАРНИ ҚУРБОН ҲАЙИТИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ.

Мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан янада равнақ топишини тилайди.
Мана шундай саодатли, фараҳли кунда қилган барча ибодатларингизни Оллоҳ Таоло ўз даргоҳида қабул айласин. Муборак ҳайит кунларида юртга маъмурчилик ва равнақ тилаймиз. Бу йил барчамиз учун янада қутлуғ, файз-баракали бўлсин!

ЎЗБЕК ВА ТУРК ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИК АСРЛАР ОША МУСТАҲКАМЛАНИБ БОРАВЕРСИН!

«ЧОРТОҚДОНМАҲСУЛОТ» ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ҲИСОБОТИ ЙИҒИЛИШИ 2002 ЙИЛ 11 МАРТ КУНИ СОАТ 11.00 ДА ЎТКАЗИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Йиғилиш жамиятнинг мажлислар залида бўлади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Чортоқдонмаҳсулот» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг 2001 йил фаолияти натижалари ҳақидаги бошқарув раиси ҳисоботи.
2. Тафтиш ҳайъати хулосасини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2001 йилдаги фойдасини тақсимлаш ва дивидендларни тўлаш ҳақида.
4. Жамиятнинг 2001 йилдаги фаолияти натижалари ҳақидаги аудиторлик текширувларининг хулосасини тасдиқлаш.
5. Бошқа масалалар.

Манзил: Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Ласкидон қишлоғи. Жамият маъмурий биноси.

«Чортоқдонмаҳсулот» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг 2001 йилги бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҲИСОБОТ

(мийг сўмда)

АКТИВ		ПАССИВ	
Асосий воситалар бошланғич қиймати	51212.0	Устав капитали	26567.0
Эскириш	10452.0	Резерв капитали	
Қолдиқ қиймат	40760.0	Тақсимланмаган фойда	17227.0
Номоддий активлар	16698.0		
уюшма кор. акциялар	4989.0		
Ишлаб чиқариш заҳиралари	38197.0	Мақсадли тушум ва фондлар	135317.0
Олиб сотиладиган товарлар	85019.0	Қисқа муддатли кредитлар	1378921.0
Келгуси давр сарфлари			
Пул маблағлари	738.0		
Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар	280.0	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	3988.0
Бўнак (аванс) тўловлари	270700.0	Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарз	373.0
Бюджет билан ҳисоблашишлар		Бюджет бўйича қарзлар	99475.0
Шўъба корхоналар билан ҳисоблашишлар	1325832.0	Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар	81428.0
ДЕБИТОРЛАР		КРЕДИТОРЛАР	39917.0
ЖАЪМИ:	1783213.0		1783213.0

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБОТИ

Кўрсаткичлар	Даромад	Харажат
Маҳсулот сотишдан тушган тушум	3194064.0	
Қўшилган қиймат солиғи		287419.0
Акциз солиғи		12446.0
Сотишдан тушган соф тушум	2894199.0	
Сотилган маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи		2672395.0
Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа	221804.0	
Сотиш харажатлари		109108.0
Маъмурий харажатлар		14537.0
Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва харажатлари		51482.0
Асосий ишлаб чиқаришнинг молиявий натижаси	46677.0	
Бошқа тўланган ва олинган фоизлар	8.0	5057.0
Молиявий фаолият бўйича бошқа даромад ва харажатлар	26216.0	
Умумхўжалик фаолиятнинг молиявий натижаси	67844.0	
Солиқ тўловлар		46228.0
Бошқа солиқ ва ажратмалар		4389.0
Ҳисобот давридаги соф фойда	17227.0	

«ЧОРТОҚДОНМАҲСУЛОТ» ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2002 йил 22 февраль мамлакатимизда дам олиш куни деб белгиланганлиги муносабати билан Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали томонидан шу куни ўтказиладиган кимошди савдолари 2002 йил 7 мартга кўчирилганлигини маълум қилади.

САВДОГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛГАН:

➲ «4-Стройтрест» ОТАЖга қарашли Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган «5-ЖБИ» бинолари, 1- ва 2-сонли омборлар ҳамда бошқа иншоотлар. **Бошланғич нархи — 17 844 000 сўм.**

➲ «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига қарашли, «Тошкент» аэропортининг Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Фуқаролик авиацияси шаҳарчаси, 75-уйда жойлашган, умумий майдони 330,75 кв.м. бўлган 75-сон «Модалар ателъеси» биноси.

Бошланғич нархи — 5 000 000 сўм ёки 7 344 АҚШ доллари.

➲ Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Афросиёб кўчасида жойлашган, қурилиши тугалланмаган, умумий майдони 4050 кв.м. бўлган, икки қаватли «Савдо уйи» биноси. **Бошланғич нархи — 257 188 549 сўм.**

➲ «KOMPYUTER SPEKTR» масъулияти чекланган жамиятининг Сирдарё тумани, «Ҳақиқат» ширкат хўжалигида жойлашган, умумий майдони 0,34 га, бўлган дам олиш маскани (мол-мулки билан биргаликда). **Бошланғич нархи — 3 027 436 сўм.**

➲ «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси «Авиасозлар бозори» очиқ акциядорлик жамиятининг 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10AR569, бўлган «TICO STD» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич нархи — 1 095 403 сўм.**

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиалида доимий равишда ўтказиладиган кимошди, танлов, биржа савдоларига автотранспорт воситалари, уй-жойлар, бино ва иншоотлар, қурилиши тугалланмаган бинолар, корхоналар мол-мулки билан биргаликда қўйилади.

Ишбилармон, тадбиркор жанобларни ҳамкорликка таклиф этамиз!

Савдолар соат 10.00да бошланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Метронинг «Алишер Навоий» бекати. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти жамоаси масъул ходим Талъат Содиқовга волидаи муҳтарамаси **МАШҲУРА ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Газетанинг навбатдаги сони 26 февраль, сешанба куни чиқади

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-53-16
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Tursunali O'RMONOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA